



## Some aspects of the role of medical history in enhancing the exceptional competence of foreign students

Nodirbek KOMILOV<sup>1</sup>

Fergana Medical Institute of Public Health

### ARTICLE INFO

**Article history:**

Received August 2023

Received in revised form

15 September 2023

Accepted 25 September 2023

Available online

15 October 2023

**Keywords:**

operational activity,  
cognitive activity,  
pedagogical creativity,  
didactic opportunity,  
methodology,  
medical deontology,  
medical practice,  
organizational component

### ABSTRACT

This article highlights the role of the history of medicine in increasing the exclusive competence of foreign students studying in medical institutions of higher education, and analyzes the formation of the success of teaching the history of medicine and the training of professional specialists in many ways through the study of the science.

2181-1415/© 2023 in Science LLC.

DOI: <https://doi.org/10.47689/2181-1415-vol4-iss8/S-pp19-24>

This is an open access article under the Attribution 4.0 International (CC BY 4.0) license (<https://creativecommons.org/licenses/by/4.0/deed.ru>)

## Тиббиёт тарихи фанининг хорижий талабалар экслюзив компетентлигини оширишдаги ролининг айрим жиҳатлари

### АННОТАЦИЯ

**Калит сўзлар:**

оператив фаолият,  
когнитив фаолият,  
педагогик ижодкорлик,  
дидактик имконият,  
методика,  
тиббий деонтология,  
тиббий амалиёт,  
ташкилий компонент

Ушбу мақолада тиббиёт тарихи фанининг тиббиёт олий таълим муассасарида таҳсил олаётган хорижий талабалар экслюзив компетентлигини оширишдаги ўрни ёритилган бўлиб, тиббиёт тарихини ўқитиш ва умуман пофessional мутахассисларни тайёрлаш муваффақияти кўп жиҳатдан фанни ўрганиш орқали шаклланиши таҳлил қилинган.

<sup>1</sup> Doctor of Philosophy (PhD) in History, Associate Professor, Fergana Medical Institute of Public Health

# Некоторые аспекты роли истории медицины в повышении исключительной компетентности иностранных студентов

## АННОТАЦИЯ

### Ключевые слова:

оперативная деятельность, познавательная деятельность, педагогическое творчество, дидактическая возможность, методика, медицинская деонтология, медицинская практика, организационный компонент

В данной статье освещается роль истории медицины в повышении исключительной компетентности иностранных студентов, обучающихся в медицинских вузах, а также анализируется формирование успешности преподавания истории медицины и подготовки профессиональных специалистов во многом через изучение науки.

Тиббиёт тарихининг илм-фан тараққиётидаги ўрни ҳақида фикр юритилганда, унинг замонавий тиббий таълимнинг ажралмас бўлаги эканлиги ва фан тарихининг бир қисми сифатида тадқиқот муаммоларини аниқлашнинг барча жиҳатларини ўз ичига олганлиги, бу эса, ўз навбатида методологиянинг фанлараро табиатини белгилайдиган асосий тушунча эканлигини қайд этиш лозим. Ушбу тамойил фаннинг ўқув дастурини шакллантиришда ва талабаларнинг мустақил ишларини ташкил этиш усулларини ишлаб чиқишда муҳим аҳамият касб этади.

Замонавий Тиббиёт тарихи курси - силлабуснинг барча таркибий қисмларини, шунингдек, турли тарихий босқичларда тиббиёт фанининг келиб чиқиши ва ривожланиши ҳақида яхлит тасаввурни шакллантиришга қаратилган тизимдир. Зеро, “Тиббиёт бир вақтнинг ўзида фундаментал ва амалий фан бўлиб, у назарий умумий, илмий билимларни, тушунчаларни, технология, кўникмалар ва шифокорлик санъатини ажойиб тарзда бирлаштиради” [1. -Б.22].

Тиббиёт фани ва амалий билимларнинг (“даволаш санъати”) пайдо бўлиши, шаклланиши ва ривожланиши шароитларини ўрганиш тиббиёт тарихчиларининг фаолият объекти эканлиги барчамизга маълум. Ўз навбатида, фан тарихи келажақдаги тадқиқотлар учун когнитив фаолият векторини ташкил этувчи аниқ даврлаштиришни, илмий мезонларни, аниқ билимларни талаб қилади.

Ўтмишдаги шифокорлар тафаккурининг ғоявий ва фалсафий асосларини таҳлил қилиш, уларнинг тиббиётда рационал тафаккур ривожланишидаги аҳамиятини очиб бериш – тиббиёт тарихи курси илмий-тадқиқот методологиясининг асосини ташкил этади ва уни ўқув жараёнига тадбиқ этиш курснинг тузилиши, услубий мазмуни ва таълим методларини танлаш масаласини бирламчи мазмунга олиб чиқади.

Бугунги кунда Ўзбекистон Олий тиббий таълим тизимидаги ислохотлардан кўзланган асосий мақсад - халқаро академик стандартларга мос келадиган профессионал тиббиёт ходимларини тайёрлаш орқали самарали тиббиёт тизимини яратиш ва янги сифат даражасига эришишдан иборат. Бунда инновацион таълим кластерлари, самарали таълим услублари ва амалиётларини фаол жорий этиш орқали ўқув жараёнини ташкил этиш ва таъминлаш муҳим аҳамият касб этади.

Маълумки, Олий таълим муассасаларида кадрлар тайёрлашнинг интеграциялашган ихтисослик гуруҳлари ва йўналишларини яратиш таълим дастурлари доирасида ўзлаштирилган компетенциялар рўйхатини шакллантиришга янада пухта ёндашишни тақозо этади. Тиббиёт тарихи ҳам бундан мустасно эмас ва мавжуд шароит унинг ўқув курси ва илмий мутахассислик сифатидаги ўзига хослигини аниқ кўрсатмоқда. Ушбу жараёнда тиббиёт тарихининг илмий-тадқиқот ва таълим дастурларини интеграциялаштириш ва ўқув жараёнининг илмий-методик базасини модернизация қилиш зарур. Ўз навбатида, Тиббиёт тарихи ва бошқа фанларнинг илмий-тадқиқот усуллари, онтология қонуниятлари ва гносеология масалаларини тушуниш ва уларни мувофиқлаштириш ҳар қандай клиник ихтисослик бўйича мустақил тадқиқот олиб бориш учун зарур бўлган кўникма ва малакаларнинг шаклланишини таъминлайди.

Маълумки, тиббиёт тарихи фани тиббиёт олий таълим муассасаларида фан сифатида ўзининг тизимли ва энциклопедик табиати (у фан тарихи ва фалсафасининг бир қисми бўлганлиги сабабли) ва замонавий илмий тиббиёт ва рационал тиббиёт ривожланишининг ўтган асрлардаги узлуксизлигини тушунишга асосланган дунёқарашнинг шаклланиши асосида жорий этилган эди. Шунингдек, у илм-фан тарихининг бир қисми сифатида тадқиқотчига кенг қўламли тадқиқот воситаларидан фойдаланишни талаб қиладиган кўп қиррали интеллектуал муаммоларни таклиф қилади ва турли клиник ихтисосликлар учун ривожланиш қонуниятларини тушунишга ёрдам беради [2. -Б.19].

Илмий техник тараққиёт ва замонавий технологияларнинг пайдо бўлиши, шунингдек, янги диагностика усуларининг кашф қилиниши ва касалликларни даволаш тиббиётни шунчалик бойитдики, натижада унда юз йиллар олдин мавжуд бўлган “шифо санъати”га ўрнига замонавий тиббиёт вужудга келди. Бирок тиббиёт тарихига назар ташлайдиган бўлсак, қадимги даврларда шифокорлар касалликларни эрта босқичларда аниқлашга, унинг сабабини топишга ва энг муҳими – профилактик чора тадбирларни утказиш (донозология) ва хаёт тарзини ўзгартириш орқали касалликни олдини олишга ҳаракат қилишган [3. -Б.148].

Қадимги ва антик даврдаги шифокорлар психосоматик боғлиқликка, тана соғлигини сақлаш учун кайфият ва қалбий саломатликка катта аҳамият беришган. Тиббиётни шаклланиш ва ривожланиш тарихини ўрганиш, нафақат ўзлаштириш даражасини кенгайтиришга, балки замонавий билимлар тизимини қадимги тарихий тизим билан боғлашга ҳамда кайсидир маънода, диалектика конунларидан фойдаланган ҳолда, келажакка назар ташлашга ёрдам беради [4. -Б.35].

Тиббиёт тарихини ўрганиш замонавий шифокорларни маъданӣ, эстетик, этик ва маҳорат жиҳатдан ривожланишида асосий ўринни эгаллайди. Тиббий санъат нафақат авлоддан – авлодга маълумот етказиш, балки инсониятни мукаммалаштириш мақсади бўлган диний, фалсафий ва миллий билимлар тизимига бирикиб бормоқда.

Тиббиёт тарихини ўқитишда компетенцияга асосланган ёндашув ўқув жараёнининг ташкилотчиси сифатида ўқитувчига қўйиладиган талабларга маълум даражада таъсир кўрсатади. Аудитория соатлари ҳажмининг камайиб бораётгани ва талабаларнинг мустақил ишлари улуши ортиб бораётганлиги сабабли, ўқитувчилар тиббиёт тарихи курсида эришилган мақсадларни максимал даражада ошириш учун ўқув жараёнини ташкил қилишлари керак [5. -Б.48].

Тиббиёт тарихини ўқитиш ва умуман пофессинал мутахассисларни тайёрлаш муваффақияти кўп жиҳатдан ўқув жараёни қандай муваффақиятли тузилганлиги (ўқитишнинг асосий усулларида фойдаланган ҳолда ва тиббиёт институти ўқув жараёнининг ўзига хос психологик-педагогик талабларини ҳисобга олган ҳолда) натижасидир. Бўлажак шифокорларни тайёрлашда фаол ижтимоий позицияни ва муваффақиятли интеллектуал фаолиятни таъминлайдиган онг ва фаолият тамойиллари, шунингдек, танланган фаолият соҳасида ижодий ривожланиш имконияти энг муҳим тамойил бўлиши керак.

Тиббиёт тарихи фан сифатида ўзига хос курс бўлиб, у нафақат касбий фанларнинг шаклланиш тарихини, балки ўқув дастурини ташкил этувчи барча фанлар ўртасидаги муносабатларни ҳам тушунтиради. Масалан, тиббиёт тарихи табиий фанлар билимига ва рационаллик фалсафий тамойилларига таянган ҳолда, анатомия каби асосий тиббиёт фанларининг тарихий ривожланиш мантиғини, унинг патологик ва топографик бўлишини, шунингдек, уларнинг ривожланишига ўзаро таъсирини тушунтиради.

Тиббиёт тарихи ўқув дастурини ўзаро боғлиқлик тамойиллари асосида яратиш, ҳар хил турдаги топшириқларнинг (изоҳли шарҳлар тузиш, конференция тақдимотлари, давра суҳбатлари ва бошқалар) ўзгарувчан ва доимий комбинацияси, нафақат талабаларнинг аудитория ва дарсдан ташқари ишларини бирлаштиради, балки турли хил ўрганиш моделлари учун ҳам фойдали бўлиши мумкин.

Фаннинг амалий дарслари давомида давра суҳбатлари ва машғулотлари доирасида профессионал фаолиятга имкон қадар яқинроқ бўлган реал ёки симуляция қилинган тиббий вазиятларни ҳал қилишга эътибор қаратилади. Мисол учун, конференция маърузаларига тайёргарлик манба ёки тарихшунослик тадқиқотининг мақсади бўлган муайян тарихий ва илмий муаммо ёки вазифани ҳал қилишга қаратилган бўлади. Бу ҳолат ўқитувчи ва талабалар ўртасида шериклик, ҳамкорлик тамойилларига риоя қилган ҳолда ўзаро муносабатларни ўрнатишни таъминлайди. Натижада, талаба фан бўйича зарур билимлар базасини эгаллайди, бу эса фаолият самарадорлигини баҳолаш мезони ҳисобланади.

Хорижий талабалар ва ўқитувчилар ўртасидаги ўзаро таълим модели классик анъанавий таълимга тегишли бўлиб, унда пассив ўқитиш усулларида ташқари, талабаларнинг мустақил ишларини рағбатлантириш учун фаол ўқитиш усулларида фойдаланиш мумкин. Масалан, тиббиёт тарихига оид манбаларни ўрганиш, тарихшуносликни ўрганиш ва таҳлил қилиш, изоҳли мақолалар ва бошқалар.

Хорижий талабаларнинг ўқув мавзуси, унинг категориявий аппарати билан дастлабки танишуви, ўрганилаётган тарихий даврга хос бўлган тамойилларни излаш ва танлаш жараёнида шахсий иштироки, тиббиёт ривожланишини тушунтиришда фаол ўқитиш усуллари муваффақиятли қўллаш имконини беради.

Тиббиётдаги турли хил кашфиётлар натижасида юзага келадиган янги ва тадқиқот муаммоларини олдиндан кўриш, талабаларнинг индивидуал тажрибасини, уларнинг мавзу мазмунини чуқур тушунишини ҳисобга олган ҳолда, олинган билимлар асосида ҳаракат қилиш кўникмаларини ривожлантиради.

Хорижий талабалар мустақил иши доирасида олинган билимлар асосида мустақил равишда схема тузишлари ва табиий фанлар (физика, математика, кимё, биология)даги назарий кашфиётлар ва анатомия, физиология, ва бошқа фанларнинг ривожланишидаги назарий кашфиётлар ўртасидаги мантиқий боғланишни кузатиши

керак. Бундан ташқари, ушбу модел доирасида таълимдаги ўзаро таъсир ўқитувчи ва талаба ёки кичик гуруҳ ўртасида, шунингдек, талабалар аудиториясида қурилиши мумкин. Бу усул оператив алоқаларни ўрнатиш, кетма-кетликларни чизиш ва фикр алмашиш орқали талабаларнинг билимларни эгаллаш орқали ўқитишнинг фаол шаклига ёрдам беради. Талабалар бу турдаги мустақил ишларни аудиторияда ҳам, дарсдан ташқари (якка тартибда ёки кичик гуруҳда) ҳам бажаришлари мумкин [6. - Б.149].

Шифокорлар тайёрлашнинг бир қисми сифатида тиббиёт тарихи ҳақидаги тушунчалар ўрта асрлардаги университетларда дарсликларнинг мазмуни Гиппократ, Гален ва бошқаларнинг рисолаларини ўз ичига олган бўлса, улар амалда ўқув қўлланмаси сифатида ишлатилган. Бугунги кунда олий тиббий таълимни қайта қуриш шароитида тиббиёт тарихи курсининг кўп қирралилиги ва изчиллиги янги маъно касб этмоқда. Кекса авлоднинг тарихий тажрибасини ўрганишга асосланган, ўз тажрибалари билан тўлдирилган ва олдинги билимларга ҳам, шахсий тажрибага нисбатан скептицизм асосида пайдо бўлган услубий асослар доимий амалий тажрибага эга бўлиш зарурлигини тушуниши керак [7. -Б.143].

Тиббиёт тарихи фан сифатида тадқиқот ва ўқув-педагогик фаолиятда мақсадлар қўйишни тушунишнинг аниқ мисолларини кўрсатади ва ўргатади. Унинг асосий вазифаси - билимлар узлуксизлигини, методологияни тушуниш ва илмий методнинг ривожланиш тарихини, шунингдек, нафақат ўқитувчилар ва талабалар, балки клиник фанлар ва тарихий даврлар ўртасидаги мулоқотни таъминлашдан иборатдир.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Metcalfe NH, Stuart E. A short history of providing medical history within the British medical undergraduate curriculum. // *Medical Humanities*, 2014 Jun, 40 (1). –P. - 189.p.
2. Jones, David S., Jeremy A. Greene, Jacalyn Duffin, and John Harley Warner // *Making the Case for History in Medical Education. Journal of the History of Medicine and Allied Sciences* 70 (4) (November 13): -P. 623.
3. Joy RJT, Morris LE, Schroeder ME, Warner ME. The history of the development of the history of medicine and its teaching in the United States. - Illinois: Wood Library-Museum of Anesthesiology, 2004. – P.307.
4. Kushner HI, Leighton LS. *Humanities in the Twenty-First Century*. - London: Palgrave Macmillan, 2013. –P. 111.
5. Barsu C. History of Medicine between tradition and modernism // *Clujul Medical*. 2017, № 90(2). – P. 243.
6. Кадирова М. Тиббий таълим жараёнида касбий компетентликни методик такомиллаштириш технологиялари (тиббиётда педагогикани ўқитиш мисолида). Педагогика фанлари доктори ... дисс. – Н., 2023. – 201.б.
7. Эгамбердиева Н.М. Маданий-инсонпарварлик ёндашув асосида талабаларни шахсий ва касбий ижтимоийлаштириш назарияси ва амалиёти (Педагогика олий таълим муассасалари мисолида): Пед. фан. докт. дисс. – Тошкент, 2010. – 332 б.33. А. С. Гамбарян Правовые режимы депонирования доказательств (показаний) и их специфика в уголовном процессе Республики Армения // *Судебная власть и уголовный процесс*. 2016. № 1. С.159-166.